



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 29 » sentabr

№ 551

Toshkent sh.

Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш, белгиланган сифат ҳамда миқдорларда ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш, кўмир маҳсулотларининг ортиб юборишдан истеъмолчигача манзилли етиб боришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

бюджет ташкилотларининг кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини шакллантириш, бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулотларини ҳудудлардаги кўмир омборлари орқали етказиб бериш, бюджет ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, уларнинг омборларида кўмир маҳсулотларини сақлаш тартибини назарда тутувчи **Бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом** (кейинги ўринларда – Низом) 1-иловага мувофиқ;

аҳолининг кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини шакллантириш, ҳудудлардаги кўмир омборларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш, сақлаш ва сотиш, аҳоли билан кўмир маҳсулотлари учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини назарда тутувчи **Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом** (кейинги ўринларда – Низом) 2-иловага мувофиқ;

Республика ҳудудлари бўйича аҳоли ва бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш учун масъуллар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Кўмир таъминот” МЧЖ Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги,

“Худудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда **2023 йил 1 апрелга қадар** юқоридаги Низомларда назарда тутилган вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотларининг, шу жумладан, аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжи, кўмир маҳсулотлари ҳаракатини ва улар бўйича тўловларни ўз ичига олган Кўмир маҳсулотларини сотиш хизматлари интерактив порталини (кейинги ўринларда – Портал) ишга тушириш, идоралараро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

Бунда “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан онлайн тўлов имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, жамият маҳсулотини сотиш фаолиятини бошқариш бўйича жорий этилган ахборот тизими замирида ташкил этилади.

3. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси (кейинги ўринларда – Идоралараро тариф комиссияси) томонидан ҳар йили камида бир марта (1 июнга қадар) ҳамда ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари қайта кўриб чиқилганда, кўмирнинг улгуржи ва чакана нархлари қайта кўриб чиқилиб тасдиқланади;

кўмир брикети маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар кўмир брикети учун маҳаллий кўмир хомашёсини биржа савдолари орқали сотиб олади ҳамда ишлаб чиқарилган кўмир брикетини бозор нархларида истеъмолчиларга етказиб беради.

4. “Ўзбеккўмир” АЖ, Республика товар-хомашё биржаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ биржа савдоларида сотилган кўмирни ортиб юбориш босқичларини тўлиқ автоматлаштиришни (инсон омилини чеклаш) назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин.

Бунда биржа савдоларида сотиб олинган кўмир истеъмолчиларга кўмир ортиб юборишнинг онлайн-рўйхатини шакллантириш орқали истеъмолчиларга реал вақт давомида кўмир ортиб юбориш бўйича рўйхат билан танишиш имкониятини яратиш кўзда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси аҳолига етказиб берилаётган кўмир маҳсулотларининг сифати ва ҳажмлари мониторинги юритилишини ҳамда аҳоли манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминласин.

6. Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ 4-иловага мувофиқ тузилсин.

Ишчи гуруҳ (Б.Исламов) бюджет ташкилотлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида шакллантириш, уларга кўмир маҳсулотлари барқарор етказиб берилишини таъминлаш, Порталнинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда идоралараро интеграция қилинишини мувофиқлаштириб борсин ва қатъий назорат ўрнатсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 964-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси тўғрисидаги низомга 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси – Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов ҳамда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари А.И. Ахмедхаджаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 29 ” сентябрдаги 551 -сон қарорига
1-илова

**Бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан бюджет
маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмир таъминот” МЧЖ ҳудудий бўлинмаларининг кўмир омборлари орқали бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом кўмир казиб олувчи, кўмир брикетларини ишлаб чиқарувчи, кўмир маҳсулотини сотувчи, етказиб берувчи, транспортировка қилувчи ташкилотларга, шунингдек, кўмир маҳсулотидан фойдаланувчи бюджет ташкилотларига жорий қилинади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўмир маҳсулоти – кўмир ресурслари ва истеъмоли балансига (кейинги ўринларда – кўмир баланси) мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан кўмир омборлари орқали бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган барча турдаги кўмир ёқилғиси (маҳаллий ва/ёки импорт қилинган);

бюджет ташкилоти – бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган мактаб, мактабгача таълим (боғча), тиббиёт, спорт, маданият ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасаси;

кўмир омборлари – кўмир маҳсулотларини бюджет ташкилотларига сотиш функциясини амалга оширувчи “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмир таъминот” МЧЖ ҳудудий бўлинмаларининг омборлари;

Портал – вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотларининг, шу жумладан, аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжи, кўмир маҳсулотлари ҳаракатини ва улар бўйича тўловларни ўз ичига олган Кўмир маҳсулотларини сотиш хизматлари интерактив портали (электрон маълумотлар базаси).

**2-боб. Кўмир маҳсулотларига эҳтиёжларни аниқлаш, уларни сотиш,
етказиб бериш, транспортировка қилиш, қабул қилиш ва сақлаш
тартиби**

3. Бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш мазкур Низомга иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

4. Бюджет ташкилотлари учун кўмир омборларидан кўмир маҳсулотлари марказлаштирилган асосда:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари томонидан – тўғридан-тўғри “Кўмир таъминот” МЧЖ ҳудудий бўлинмалари орқали;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли бюджет ташкилотлари томонидан – Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари орқали;

маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, мактабгача таълим бошқармалари, маданият бошқармалари, спортни ривожлантириш бош бошқармалари, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари орқали (кейинги ўринларда – Бошқармалар) харид қилинади.

5. Ҳудудлардаги ҳар бир бюджет ташкилоти ҳар йили келгуси йил учун 15 майга қадар иситиладиган майдонлар ҳажмларига, мавжуд қозонлар ва печлар сонига асосланиб, кўмир маҳсулотини сарфлаш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, ўтган мавсумда ёқилган кўмир маҳсулотлари миқдорларига мос равишда Порталга кўмирга бўлган эҳтиёжини киритади.

Бюджет ташкилотининг кўмирга бўлган эҳтиёжи Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва “Ўзэнергоинспекция” томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Бюджет ташкилотининг жойлашган жойи, иситиладиган бино ҳужжатлари, иситиладиган майдон ҳажми, қозонхоналар паспорти ва бошқа маълумотлар Порталга киритилади.

Порталга маълумотларни киритиш, ўзгартириш ёки тўлдириш бюджет ташкилоти раҳбари томонидан электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Порталда ҳар бир бюджет ташкилотига алоҳида истеъмолчи рақами бириктирилади. Ушбу истеъмолчи рақами бўйича бюджет ташкилотининг кўмир истеъмоли учун буюртмаси, уни мутасадди ташкилотларнинг кўриб чиқиш ҳолати ва натижаси, буюртмага мувофиқ кўмирни юклаш, етказиб бериш ва қабул қилиб олиш ҳамда бюджет ташкилоти томонидан кўмирнинг сарфланиш жараёнлари ва ҳар ой охирида унинг омборидаги кўмир қолдиқлари юзасидан ҳисоб-китоб юритилади.

Ўз навбатида, Бошқармалар тегишли туман (шаҳар) бўлимлари билан биргаликда 1 июнга қадар бюджет ташкилоти томонидан Порталга киритилган маълумотлар тўғрилигини текширади ҳамда Портал орқали электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлайди.

“Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармаси 15 июнга қадар Бошқармалар томонидан тасдиқланган маълумотларни ўрганади ва электрон рақамли имзо ёрдамида келишади.

Бунда “Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари бюджет ташкилотининг жойлашган жойи, иситиладиган бинолари, қозонхона русуми, қуввати ва бошқа маълумотлардан фойдаланиб, Қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотларида белгиланган методологияга асосан об-ҳаво башорати ва иқлим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ҳисоблайди ҳамда зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритади.

Бошқармалар тасдиқлаган ҳамда “Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган кўмир маҳсулоти миқдорлари Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Порталда тасдиқланади ҳамда кўмир маҳсулотини харид қилишни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш учун 15 июлга қадар Молия вазирлигига Портал орқали юборилади.

Молия вазирлиги ажратилган бюджет маблағлари доирасида кўмир маҳсулоти миқдорлари учун молиялаштириш манбалари бўйича маълумотларни 15 августга қадар Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Портал орқали кўмир баланси лойиҳасини шакллантириш учун тақдим қилади.

6. Кўмир баланси лойиҳаси кўмир саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятлари ҳамда импорт кўмир миқдорларини инобатга олган ҳолда, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан шакллантирилади ҳамда келгуси йил учун кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига 15 сентябрга қадар келишиш учун тақдим этилади ҳамда келишилган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига 1 ноябрга қадар киритилади.

7. Бюджет ташкилотларига кўмир маҳсулоти кўмир балансига мувофиқ сотилади. Ҳар бир бюджет ташкилотига ажратилган кўмир маҳсулоти миқдорлари уларнинг истеъмолчи рақами бўйича Порталда акс этирилади.

8. “Ўзбеккўмир” АЖ кўмир балансига мувофиқ белгиланган ҳажмларда бюджет ташкилотлари учун кўмир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича “Кўмир таъминот” МЧЖ билан тўғридан-тўғри шартномаларни имзолайди.

“Ўзбеккўмир” АЖ кўмир маҳсулотларини “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари манзилига юклаб жўнатишни таъминлайди ва бу тўғрисида Порталга тегишли маълумотларни киритади ҳамда юклаб жўнатилаётган кўмирнинг сифати ва миқдорлари учун жавобгар ҳисобланади.

Бунда “Ўзбеккўмир” АЖнинг масъул мансабдор шахслари кўмирни юклаш, жўнатиш, кўмирнинг сифати ва миқдорлари юзасидан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбеккўмир” АЖ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмирйиғиш” станциясидан ҳудудлардаги кўмир омборларигача темир йўл орқали ташиш ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси томонидан кўмирни кўриқлаш ва кузатиб бориш учун шартнома имзолайди. “Ўзбеккўмир” АЖнинг ташиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлари кейинчалик “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

“Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир маҳсулотларининг сифатли сақланишини ҳамда истеъмолчиларга сотилишини таъминлайди.

Бунда “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборлари мудирлари, масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулоти сифатли сақланиши ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб беришдаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кўмир маҳсулотларини “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмирйиғиш” станциясидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг тегишли станцияларигача ташишни таъминлайди ҳамда вагонларнинг (ярим вагонлар) ўз вақтида берилиши ва кўмирнинг етказилиши учун жавоб беради.

Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулотини тегишли станцияларигача ташиш ҳамда вагонлар (ярим вагонлар) ўз вақтида бериш ва кўмирнинг манзилли етказилиши билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси кўмир ортилган вагонларни белгиланган станцияларга етиб боришига қадар кўриқлашга ҳамда юкланган кўмир миқдорига жавоб беради.

Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулотларини белгиланган станцияларга етказиб бериш ҳамда юкланган кўмир миқдоридаги аниқланган камомадлар юзасидан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар идоралари кўмир маҳсулотларини “Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборларидан ортилгандан бюджет ташкилотларига етказиб берилишига қадар ҳимоя қилинишини таъминлаш тадбирларини амалга оширади.

“Ўзбеккўмир” АЖ ва “Кўмир таъминот” МЧЖ раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўз ҳудудларида кўмир маҳсулотлари захиралари шакллантирилиши ва бюджет ташкилотларига манзилли етказиб берилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг кўмир маҳсулотлари захиралари шакллантирилиши ва бюджет ташкилотларига манзилли етказиб берилиши билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

9. “Кўмир таъминот” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, мактабгача таълим бошқармалари, маданият бошқармалари, спортни ривожлантириш бош бошқармалари, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари билан кўмир маҳсулотини етказиб бериш бўйича шартномаларни бюджет ташкилотлари рўйхати ва кўмирнинг улар кесимидаги тақсимотини илова қилган ҳолда тузади.

Ҳар бир бюджет ташкилотига махсус истеъмолчи рақами бўйича кўмирни юклаш, етказиб бериш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳолати юзасидан маълумотларни Портал орқали назорат қилиш имконияти яратилади.

10. “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборларига кирим қилинган кўмир маҳсулотлари махсус ускуналарда (ва/ёки қўл меҳнати билан) майда-йирикликка қараб сараланиши мумкин. Сараланган кўмирнинг йириклари (20-300 мм) қопларга солинади, майдалари (0-20 мм) брикет ишлаб чиқариш учун йўналтирилади. Истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда сараланмаган кўмир (0-300 мм) сотилиши мумкин.

11. “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ҳар бир кунлик ортиб юборилган кўмир партияси Порталга киритилади.

“Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборлари “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ортиб юборилган кўмир партияси кўмир омборига етиб келганлиги юзасидан маълумотларни Портал орқали тасдиқлайди.

“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида бюджет ташкилотига кўмир маҳсулотининг манзилли юклаб берилиши ва сотилишини таъминлайди ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади.

Бюджет ташкилотлари автотранспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида кўмир маҳсулотини автомобиль транспорти ёрдамида ёки бевосита ўз кучлари билан кўмир омборларидан олиб кетади.

Бунда бюджет ташкилоти томонидан кўмир омборхонасига кирим қилинган кўмир маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар Порталга киритилади.

12. “Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборлари мудирлари ва бюджет ташкилотларининг ваколатли вакиллари томонидан автотранспорт воситасига юкланган кўмир маҳсулотлари учун сифати ва ҳажмлари бўйича далолатнома тузилади.

13. Далолатнома шартномада назарда тутилган шартларда кўмир маҳсулоти олинган кунда расмийлаштирилади.

14. Кўмир маҳсулотининг транспорт воситаларига ҳақиқий юкланган ҳажми кўрсатилган ҳолда, ваколатли шахслар имзолари ҳамда кўмир омбори муҳри билан тасдиқланган юкхати расмийлаштирилади.

15. Кўмир маҳсулотининг бюджет ташкилотида сифатли ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлаган ҳолда сақланиши ҳамда ундан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун бюджет ташкилотининг биринчи раҳбари шахсан жавоб беради.

Бунда бюджет ташкилотининг биринчи раҳбари, масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулотининг сақланиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

16. Бюджет ташкилотида кўмир маҳсулоти тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштириш орқали қабул қилиб олинади. Унда керакли маълумотлар, шу жумладан, етказиб берилган кўмир маҳсулотининг маркаси, ҳажми, шунингдек, кўмир маҳсулотини топшириш ва қабул қилиб олиш учун масъул шахс кўрсатилади.

17. Кўмир маҳсулотини қабул қилиб олиш ва сақлаш бюджет ташкилоти томонидан кўмир маҳсулотини фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш ва таъминлаш масалалари бўйича техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жиҳозланган участкаларда (омборхоналар, майдончалар, бостирмаларда) амалга оширилади.

Кўмир маҳсулоти очик омборхоналарда (майдончаларда) сақланганда, кўмир маҳсулотининг физик-механик хусусиятлари ва ташқи муҳит (ҳарорат, об-ҳаво шароитлари, шамол ва бошқалар) таъсиридан унинг бутунлиги сақланадиган ҳамда сақлаш хавфсизлиги таъминланадиган шароитлар яратилиши керак. Очик майдончалар курук, тепалик, сув босмайдиган жойларда ташкил этилиши ва уларга бегона шахслар киришини истисно қилиш учун тўсиб қўйилиши керак. Зарур ҳолларда, очик майдончалар атрофи бўйлаб оқова ариқлар ётқизилади.

Бостирмалар уч томондан тўсиқларга эга бўлиши, тўсиқлар бўлмаган томонга пол қияланган (1-2°) бўлиши керак, зарур ҳолларда, оқова ариқлар ётқизилиши ва ёғоч конструкцияларига ўтга чидамли кимёвий модда билан ишлов берилиши керак.

18. Фавқулодда ҳодисалар, табиий офатлар (шу жумладан об-ҳавонинг кескин совиб кетиши), техноген ҳодисалар (шу жумладан, табиий газ етказиб беришдаги узилишлар) вақтида вужудга келган бюджет ташкилотининг кўмирга бўлган режадан (балансдан) ташқари эҳтиёжи, мудофаа ёки давлат хавфсизлиги ишлари бўйича кўмирга бўлган фавқулодда эҳтиёжлар учун кўмир маҳсулоти, истисно тариқасида, зудлик билан етказиб берилади.

19. Кўмир маҳсулотини сақлаш (инкубацион) муддатлари қисқалигини инобатга олган ҳолда, куз-қиш мавсуми якунлангандан сўнг кўмир омборларида сақланаётган маҳаллий ва импорт кўмир маҳсулотларини кўмир омборларининг сақлаш, транспорт ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида ўртача биржа нархида истеъмолчиларга, иссиқлик электр станцияларига эса белгиланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилишига рухсат берилади.

3-боб. Кўмир маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш

20. Бюджет ташкилотига кўмир балансида тасдиқланган ҳажмлар ҳамда ажратиладиган бюджет маблағларига мувофиқ “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари орқали тўғридан-тўғри шартномалар бўйича кўмир учун ҳақи 50 фоиз олдиндан тўлаш ва кўмир омборларидан юклаб юборилгандан сўнг 60 кун мобайнида тўлиқ ҳақ тўлаш шarti билан сотилади.

4-боб. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби

21. “Ўзбеккўмир” АЖ, “Кўмир таъминот” МЧЖ, Бошқармалар ва автотранспорт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга асосан томонларнинг шартнома шартларини бажармаслиги бўйича жавобгарлик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

22. Томонлар ўртасида юзага келадиган низолар икки томонлама келишувга асосан ёки суд тартибида ҳал қилинади.

23. Бюджет ташкилоти томонидан кўмир омборларидан харид қилинган кўмир маҳсулотининг тижорат ёки бошқа мақсадларда учинчи шахсларга берилиши ёки сотилиши тақиқланади.

24. Бошқармаларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

тақдим қилинган буюртманомаларда бюджет ташкилотларининг кўмир маҳсулотига эҳтиёжлари тўғрисида нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

кўмир маҳсулотини етказиб бериш учун шартномаларнинг ўз вақтида тузилмаганлиги;

харид қилинадиган кўмир маҳсулоти ва унинг етказиб берилиши учун тўловнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги.

5-боб. Яқунловчи қоида

25. Мазкур Низом қоидалари талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан
бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

Бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Бюджет ташкилоти	<p>Бюджет ташкилоти иситиладиган майдонлар ҳажмларига, мавжуд қозонлар ва печлар сонига асосланиб, кўмир маҳсулотини сарфлаш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, ўтган мавсумда ёқилган кўмир маҳсулотлари миқдорларига мос равишда Порталга кўмирга бўлган эҳтиёжини киритади.</p> <p>Бюджет ташкилотининг жойлашган жойи, иситиладиган бино хужжатлари, иситиладиган майдон ҳажми, қозонхоналар паспорти ва бошқа маълумотлар Порталга киритилади.</p>	15 майга қадар
2-босқич	Бошқармалар, тегишли туман (шаҳар) бўлимлари	Бошқармалар тегишли туман (шаҳар) бўлимлари билан биргаликда бюджет ташкилоти томонидан Порталга киритилган маълумотлар тўғрилигини текширади ҳамда Портал орқали электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлайди.	1 июнга қадар
3-босқич	“Ўзэнергоинспекция”	<p>“Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари Бошқармалар томонидан тасдиқланган маълумотларни ўрганади ва электрон рақамли имзо ёрдамида келишади.</p> <p>Бунда “Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари бюджет ташкилотининг жойлашган жойи, иситиладиган бинолари, қозонхона русуми, қуввати ва бошқа маълумотлардан фойдаланиб, Қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотларида белгиланган методологияга асосан об-ҳаво башорати ва иқлим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ҳисоблайди ҳамда зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришлар киритади.</p>	15 июнга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Бошқармалар томонидан тасдиқланган ҳамда “Ўзэнергоинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган кўмир маҳсулоти миқдорлари Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Порталда тасдиқланади ҳамда кўмир маҳсулотини харид қилишнинг молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш учун 15 июлга қадар Молия вазирлигига Портал орқали юборилади.	15 июлга қадар
5-босқич	Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Молия вазирлиги ажратилган бюджет маблағлари доирасида кўмир миқдорлари учун молиялаштириш манбалари бўйича маълумотларни 15 августга қадар Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Энергетика вазирлигига ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Портал орқали кўмир баланси лойиҳасини шакллантириш учун тақдим қилади.	15 августга қадар
6-босқич	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ, манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари	Кўмир баланси лойиҳаси кўмир саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятлари ҳамда импорт кўмир миқдорларини инобатга олган ҳолда, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан шакллантирилади ҳамда келгуси йил учун кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ,tkubkfyufy тартибда манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига 15 сентябрга қадар келишиш учун тақдим этилади ҳамда келишилган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига 1 ноябрга қадар киритилади.	1 ноябрга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
7-босқич	“Ўзбеккўмир” АЖ	“Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ҳар бир кунлик ортиб юборилган кўмир партияси Порталга киритилади.	Белгиланган муддатларда
8-босқич	“Кўмир таъминот” МЧЖ	“Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборлари “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ортиб юборилган кўмир партияси кўмир омборига етиб келганлиги юзасидан маълумотларни Портал орқали тасдиқлайди.	Белгиланган муддатларда
9-босқич	“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари	“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида бюджет ташкилотига кўмир маҳсулотининг манзилли юклаб берилиши ва сотилишини таъминлайди ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади.	Белгиланган муддатларда
10-босқич	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилотлари автотранспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида кўмир маҳсулотини автомобиль транспорти ёрдамида ёки бевосита ўз кучлари билан кўмир омборларидан олиб кетади. Бунда бюджет ташкилоти томонидан кўмир омборхонасига кирим қилинган кўмир маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар Порталга киритилади.	Белгиланган муддатларда

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 29 ” сентябрдаги 551 -сон қарорига
2-илова

Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом республиканинг табиий газ билан таъминланмаган ҳудудларида яшайдиган аҳолини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом кўмирни қазиб олувчи, кўмир брикетларини ишлаб чиқарувчи, кўмир маҳсулотини сотувчи, етказиб берувчи, транспортировка қилувчи ташкилотларга, шунингдек, кўмир маҳсулотини маиший фойдаланиш мақсадида харид қилувчи аҳолига жорий қилинади.

2-боб. Асосий тушунчалар

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўмир маҳсулоти – кўмир ресурслари ва истеъмоли балансига (кейинги ўринларда – кўмир баланси) мувофиқ кўмир омборлари орқали аҳоли томонидан харид қилинадиган барча турдаги кўмир ёқилғиси (маҳаллий ва/ёки импорт қилинган);

истеъмолчи – фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган маиший фойдаланиш мақсадларида кўмир маҳсулотини харид қилувчи жисмоний шахслар (аҳоли);

кўмир омборлари – кўмир маҳсулотини аҳолига сотиш функциясини амалга оширувчи “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмир таъминот” МЧЖ ҳудудий бўлинмаларининг омборлари;

Портал – вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотларининг, шу жумладан, аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжи, кўмир маҳсулоти ҳаракатини ва улар учун тўловларни ўз ичига олган Кўмир маҳсулотларини сотиш хизматлари интерактив портали (маълумотлар базаси);

чакана нарх – кўмир маҳсулотининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланадиган ва кўмир омборлари орқали аҳолига сотиладиган нархи;

call-марказлар – ҳудудий омборлар томонидан ташкил қилинган, аҳолидан кўмир маҳсулотига буюртма қабул қилиш учун телефон (интернет тармоғи) орқали сўровномалар шаклида тушадиган ахборотларни қабул қилиш ва узатиш учун фойдаланиладиган кўнғироқларга (буюртмаларга) хизмат кўрсатиш бўйича марказлаштирилган офислар;

GPS-навигатор – кўмир маҳсулотини етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи юк машиналарининг жорий манзилларини аниқлаш мақсадида геопозициялаш глобал тизими сигналлари келиб тушадиган қурилма.

3-боб. Республика аҳолисини кўмир маҳсулоти билан таъминлаш тартиби

3. Аҳоли кўмир маҳсулоти билан мазкур Низомга иловадаги схема бўйича таъминланади.

4. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ёрдамчилари (ва/ёки ҳокимликлар) маҳалла раислари билан биргаликда ўз ҳудудларидаги кўмирга эҳтиёжманд бўлган истеъмолчилар яшаётган хонадон (уй), хонадон эгаси ва/ёки кўмирни қабул қилиб олувчи жисмоний шахс, куз-қиш мавсумига талаб этиладиган кўмир ҳажми тўғрисидаги маълумотларни (хонадон жойлашган почта манзили ва кадастр ҳужжати маълумотлари, хонадон эгаси ёки хонадонда яшовчи оиланинг кўмирни сотиб олишга масъул аъзосининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва паспорт маълумотлари) ҳар йили келгуси йил учун 1 июнга қадар Порталга киритади ҳамда киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавоб беради.

Бунда истеъмолчилар жойлашган жой, иситиладиган бино ҳужжатлари, иситиладиган майдон ҳажми, қозонхоналар паспорти ва бошқа маълумотлар (мавжуд бўлган тақдирда) Порталга киритилади.

Порталда ҳар бир истеъмолчига алоҳида истеъмолчи рақами бириктирилади. Ушбу истеъмолчи рақами бўйича истеъмолчиларнинг кўмирга эҳтиёжи миқдори, буюртмага мувофиқ кўмирни юклаш, етказиб бериш ва қабул қилиб олиш юзасидан ҳисоб-китоб юритилади.

Порталга маълумотларни киритиш, ўзгартириш ёки тўлдириш туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ёрдамчилари (ва/ёки ҳокимликлар), маҳалла раислари, шунингдек, кўмирга эҳтиёжманд бўлган истеъмолчилар яшаётган хонадон эгаси ва/ёки кўмирни қабул қилиб олувчи жисмоний шахс томонидан электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Порталга киритилган маълумотлар йил давомида бошқа ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

5. “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг ҳудудий газ-таъминот корхоналари туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ёрдамчилари (ва/ёки ҳокимликлар) томонидан Порталга киритилган маълумотларни табиий газ танқислиги кузатилаётган, суюлтирилган газга ўтказилган истеъмолчилар рўйхати билан солиштиради ҳамда ҳар йили 1 июлга қадар Порталга киритилган истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмаганлигини Портал орқали тасдиқлайди.

Табиий газ билан барқарор таъминланган хонадонда яшовчи истеъмолчиларга кўмирни марказлашган ҳолда етказиб бериш рад этилади ва Порталдан уларнинг маълумотлари чиқариб ташланади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Порталга киритилган маълумотлар асосида ҳар йили 1 августга қадар ҳудуд аҳолисининг маҳалла (овул) фуқаролари йиғинлари кесимида келгуси йилда кўмир маҳсулотига бўлган эҳтиёжни шакллантиради ва тегишли маълумотларни Портал орқали электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлайди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда Порталда шакллантирилган истеъмолчиларнинг кўмирга бўлган эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотлар асосида кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси лойиҳасини ишлаб чиқади.

7. Кўмир ресурслари ва истеъмоли балансининг лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига 15 сентябрга қадар келишиш учун тақдим этилади ҳамда келишилган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига 1 ноябрга қадар киритилади.

8. Тасдиқланган кўмир баланси доирасида:

“Кўмир таъминот” МЧЖ ўн кун муддатда ҳудудлар бўйича аҳолига сотиш учун кўмир маҳсулотини ойма-ой етказиб бериш жадвалини ишлаб чиқиб тасдиқлайди ва “Ўзбеккўмир” АЖга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ҳамда вилоятлар ҳокимликларига Портал орқали юборади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳудудлар бўйича аҳоли учун белгиланган кўмир маҳсулоти миқдорларини ойма-ой етказиб бериш жадвалини уч иш кунида туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқиб тасдиқлайди ҳамда “Кўмир таъминот” МЧЖга ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига Портал орқали юборади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари кўмир маҳсулоти миқдорларини ойма-ой етказиб бериш жадвалини икки иш кунида маҳалла (овул) фуқаролар йиғинлари кесимида ишлаб чиқиб тасдиқлайди ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ёрдамчиларига, маҳалла (овул) фуқаролар йиғинларига, “Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги бўлинмаларига Портал орқали юборади.

9. “Ўзбеккўмир” АЖ кўмир балансига мувофиқ белгиланган миқдорларда истеъмолчилар учун кўмир маҳсулотини етказиб бериш бўйича “Кўмир таъминот” МЧЖ билан тўғридан-тўғри шартномаларни имзолайди.

“Ўзбеккўмир” АЖ кўмир маҳсулотини “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари манзилига юклаб жўнатишни таъминлайди ва бу ҳақда Порталга тегишли маълумотларни киритади ҳамда юклаб жўнатилаётган кўмирнинг сифати ва миқдорлари учун жавоб беради.

Бунда “Ўзбеккўмир” АЖнинг масъул мансабдор шахслари кўмирни юклаш, жўнатиш, кўмирнинг сифати ва миқдорлари юзасидан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбеккўмир” АЖ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмирйиғиш” станциясидан ҳудудлардаги кўмир омборларигача темир йўл орқали ташиш ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриклаш бошқармаси томонидан кўмирни кўриклаш ва кузатиб бориш учун шартнома имзолайди. “Ўзбеккўмир” АЖнинг ташиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлари кейинчалик “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

“Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир маҳсулотининг сифатли сақланишини ҳамда истеъмолчиларга сотилишини таъминлайди.

Бунда “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборлари мудирлари, масъул мансабдор шахслари кўмирнинг сифатли сақланиши ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришдаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кўмир маҳсулотини “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кўмирйиғиш” станциясидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг тегишли станцияларигача ташишни таъминлайди ҳамда вагонларнинг (ярим вагонлар) ўз вақтида берилиши ва кўмирнинг етказилиши учун жавоб беради.

Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ масъул мансабдор шахслари кўмирнинг тегишли станцияларигача ташиш ҳамда вагонларнинг (ярим вагонлар) ўз вақтида берилиши ва кўмирнинг манзилли етказилиши билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси кўмир ортилган вагонларни белгиланган станцияларга етиб боришига қадар кўриқлашга ҳамда юкланган кўмир миқдорига жавоб беради.

Бунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бошқармаси масъул мансабдор шахслари кўмирнинг белгиланган станцияларга етказиб бериш ҳамда юкланган кўмир миқдоридagi аниқланган камомадлар юзасидан ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар идоралари кўмир маҳсулотини “Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборларидан ортилгандан аҳолига етказиб берилишга қадар ҳимоя қилинишини таъминлаш тадбирларини амалга оширади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари кўмир маҳсулотининг аҳолига белгиланган тартибда тақсимланиши ва сотилишини таъминлайди.

“Ўзбеккўмир” АЖ ва “Кўмир таъминот” МЧЖ раҳбарлари, кўмир омборлари мудирлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўз ҳудудларида кўмир маҳсулоти захиралари шакллантирилиши ва аҳолига манзилли етказиб берилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг кўмир маҳсулоти захираларини шакллантирилиши ва бюджет ташкилотларига манзилли етказиб берилиши билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

10. “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборларига кирим қилинган кўмир маҳсулоти махсус ускуналарда (ва/ёки қўл меҳнати билан) майда-йириклигига қараб сараланиши мумкин. Сараланган кўмирларнинг йириклари (20-300 мм) қопларга солинади, майдалари (0-20 мм) брикет ишлаб чиқариш учун йўналтирилади. Истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, сараланмаган кўмир (0-300 мм) сотилиши мумкин.

11. “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ҳар бир кунлик ортиб юборилган кўмир партияси Порталга киритилади.

“Кўмир таъминот” МЧЖнинг худудлардаги кўмир омборлари “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ортиб юборилган кўмир партияси кўмир омборига етиб келганлиги тўғрисидаги маълумотларни Портал орқали тасдиқлайди.

“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида аҳолига кўмир маҳсулотининг манзилли юклаб берилиши ва сотилишини таъминлайди ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади.

Кўмир омборлари томонидан ҳар бир истеъмолчига ортиб юборилган кўмир партияси бўйича Портал ва SMS-хабарнома орқали истеъмолчига билдиришнома етказилади.

Бунда, қоида тариқасида, истеъмолчига SMS-хабарнома юбориш орқали унга кўмир етказиб берилди деб қабул қилинади.

Истеъмолчилар томонидан қабул қилиб олинган кўмир Порталдаги шахсий кабинет орқали тасдиқланиши ёки ҳақиқатда етказилган кўмир миқдорлари ва SMS-хабарномада келтирилган миқдорлар орасида тафовут келиб чиқадиган ҳолатларда, ушбу ҳолат юзасидан Портал орқали эътироз билдирилиши мумкин.

Қулайлик учун Порталда эътирозни йўллаш бўйича алоҳида интерактив ойна назарда тутилади ҳамда бу эътироз онлайн тарзда Порталдаги шахсий кабинет орқали киритилгандан сўнг автоматик равишда “Кўмир таъминот” МЧЖ, тегишли маҳаллий ҳокимият органлари, Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ва Энергетика вазирлигига бараварига юборилади. Бунда:

юқоридаги хатбошида келтирилган масъул ташкилотлар томонидан ўн иш куни давомида ушбу ҳолат ўрганиб чиқилиши ва кўмир тўлиқ етказиб берилиши ёки масалага ойдинлик киритилиши таъминланади;

қабул қилиб олинган кўмир истеъмолчилар томонидан Порталдаги шахсий кабинет орқали ёки Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан Портал орқали тасдиқланмагунга қадар кўмир етказиб берилган деб ҳисобланмайди;

ўғирлик ёки талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига тақдимнома киритилади.

12. Кўмир омборларидан кўмир маҳсулотини олиб кетиш истеъмолчилар томонидан мустақил равишда шахсий ва/ёки ёлланма автотранспорт воситалари орқали амалга оширилади.

Бунда аҳолига кўмир омборлари томонидан юклаб бериладиган кўмир маҳсулотининг сифати, миқдори ва маркази учун жавобгарлик “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари мудирларига юкланади.

Истеъмолчиларнинг хоҳишига кўра, “Ўзбеккўмир” АЖ ёки “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан кўмирни транспортда етказиб бериш хизмати ташкил этиб берилиши мумкин. Бунда:

ушбу хизмат учун тўловлар аҳоли томонидан кўмирни етказиб бериш хизматини кўрсатувчи ташкилотга тўғридан-тўғри ёки “Ўзбеккўмир” АЖ, “Кўмир таъминот” МЧЖ орқали транспорт харажатларини қоплаш кўринишида алоҳида амалга оширилади;

кўмирни етказиб бериш хизматини кўрсатувчи автотранспорт воситалари алоқа ва GPS тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим;

кўмир маҳсулотининг истеъмолчиларга тўлиқ етказиб берилиши учун жавобгарлик “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари мудирларига юкланади.

13. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Меҳр дафтари”га киритилган эҳтиёжманд оилаларга кўмир маҳсулотини сотиб олишда ва/ёки етказиб бериш учун транспорт билан таъминлашда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармойиши, “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 14 апрелдаги 210-сон қарори ҳамда “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Меҳр дафтари” тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 январдаги 26-сон қарори билан ташкил этилган тегишли жамғармалар ҳисобидан пул ёки компенсация кўринишида амалий ёрдам кўрсатади.

14. Фавқулодда ҳодисалар, табиий офатлар (шу жумладан, об-ҳавонинг кескин совиб кетиши), техноген ҳодисалар (шу жумладан, табиий газ етказиб беришдаги узилишлар) вақтида вужудга келган аҳолининг кўмирга бўлган режадан (балансдан) ташқари эҳтиёжлари, мудофаа ёки давлат хавфсизлиги ишлари бўйича кўмирга бўлган фавқулодда эҳтиёжлар учун кўмир маҳсулоти, истисно тариқасида, зудлик билан етказиб берилади.

15. Кўмир маҳсулотини сақлаш (инкубацион) муддатлари қисқалигини инобатга олган ҳолда, куз-қиш мавсуми якунлангандан сўнг кўмир омборларида сақланаётган маҳаллий ва импорт кўмир маҳсулотларини кўмир омборларининг сақлаш, транспорт ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида ўртача биржа нархида истеъмолчиларга, иссиқлик электр станцияларига эса белгиланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилишига рухсат берилади.

16. Фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларга асосан кўмир маҳсулотини фақат “Кўмир таъминот” МЧЖнинг умумий йиғилиши баёни ёки ижро этувчи органининг тегишли қарорига (ёки буйруғига) асосан бепул отказиб берилади.

4-боб. Кўмир маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш

17. Аҳолига кўмир маҳсулоти кўмир балансида тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ шартномага асосан сотилади.

18. Аҳолига кўмир маҳсулоти “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари орқали юз фоизлик олдиндан тўлов асосида чакана нархларда сотилади.

Бунда аҳоли томонидан кўмир маҳсулоти учун тўловлар исталган тўлов турлари орқали, шу жумладан, онлайн тўлов тизимларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

19. Истеъмолчилар кўмир маҳсулотларини “Ўзбеккўмир” АЖда ташкил этилган call-марказлар орқали сотиб олиши ҳам мумкин.

20. Call-марказлари ҳар куни соат 9-00дан 18-00гача аҳолидан келиб тушган буюртмалар бўйича солиштириш ва умумлаштиришни амалга оширади.

21. Call-марказлари қабул қилинган буюртмаларни Портал орқали кўмир омборларига юборади.

22. Буюртмаларга асосан кўмир омборлари томонидан истеъмолчиларга кўмир маҳсулотлари сотилади.

23. Буюртманинг бажарилиши кўмир омборлари мудирлари томонидан Порталда акс эттирилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

24. Мазкур Низом қоидалари талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Республика аҳолисини кўмир маҳсулоти билан
таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Республика аҳолисини кўмир маҳсулоти билан таъминлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Туманлар (шаҳарлар) хокимликлари	<p>Маҳалла раислари билан биргаликда ўз ҳудудларидаги кўмирга эҳтиёжманд бўлган истеъмолчилар яшаётган хонадон (уй), хонадон эгаси ва/ёки кўмирни қабул қилиб олувчи жисмоний шахс, куз-қиш мавсумига талаб этиладиган кўмир миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили 1 июнга қадар Порталга киритади ҳамда киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавоб беради.</p> <p>Порталга киритилган маълумотлар йил давомида бошқа ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p>	1 июнга қадар
2-босқич	“Худудгазтаъминот” АЖнинг худудий газ-таъминот корхоналари	<p>“Худудгазтаъминот” АЖнинг худудий газ-таъминот корхоналари туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ёрдамчилари (ва/ёки ҳокимликлар) томонидан Порталга киритилган маълумотларни табиий газ танқислиги кузатилаётган, суюлтирилган газга ўтказилган истеъмолчилар рўйхати билан солиштиради ҳамда ҳар йили 1 июлга қадар Порталга киритилган истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмаганлигини Портал орқали тасдиқлайди.</p> <p>Табиий газ билан барқарор таъминланган хонадонда яшовчи истеъмолчиларга кўмирни марказлашган ҳолда етказиб бериш рад этилади ва Порталдан уларнинг маълумотлари чиқариб ташланади.</p>	1 июлга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликлари	Порталга киритилган маълумотлар асосида ҳар йили 1 августга қадар ҳудуд аҳолисининг маҳалла (овул) фуқаролари йиғинлари кесимида келгуси йилда кўмир маҳсулотига бўлган эҳтиёжини шакллантиради ва тегишли маълумотларни Портал орқали электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқлайди.	1 августга қадар
4-босқич	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги	Кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига 15 сентябрга қадар келишиш учун тақдим этилади ҳамда келишилган ҳужжат лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига 1 ноябрга қадар киритилади.	1 ноябрга қадар
5-босқич	“Кўмир таъминот” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликлари туманлар (шаҳарлар) ҳоқимликлари	Тасдиқланган кўмир баланси доирасида: ҳудудлар бўйича аҳолига сотиш учун кўмир маҳсулотини ойма-ой етказиб бериш жадвалини ишлаб чиқиб тасдиқлайди ва уни “Ўзбеккўмир” АЖга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ҳамда вилоятлар ҳоқимликларига Портал орқали юборади; ҳудудлар бўйича аҳоли учун белгиланган кўмир маҳсулоти миқдорларини ойма-ой етказиб бериш жадвалини уч иш кунинда туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқиб тасдиқлайди ҳамда “Кўмир таъминот” МЧЖга ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳоқимликларига Портал орқали юборади; кўмир маҳсулоти миқдорларини ойма-ой етказиб бериш жадвалини икки иш кунинда маҳалла (овул) фуқаролар йиғинлари кесимида ишлаб чиқиб тасдиқлайди ва туманлар (шаҳарлар) ҳоқимлари ёрдамчиларига, маҳалла (овул) фуқаролар йиғинларига, “Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги бўлинмаларига Портал орқали юборади.	ўн кун муддатда уч иш кунинда икки иш кунинда

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
6-босқич	“Ўзбеккўмир” АЖ	“Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ҳар бир кунлик ортиб юборилган кўмир партияси Порталга киритилади.	белгиланган муддатларда
7-босқич	“Кўмир таъминот” МЧЖ	“Кўмир таъминот” МЧЖнинг ҳудудлардаги кўмир омборлари “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ортиб юборилган кўмир партияси кўмир омборига етиб келганлиги тўғрисидаги маълумотларни Портал орқали тасдиқлайди.	белгиланган муддатларда
8-босқич	Истеъмолчилар, “Кўмир таъминот” МЧЖ	<p>Кўмир омборлари томонидан ҳар бир истеъмолчига ортиб юборилган кўмир партияси бўйича Портал ва SMS-хабарнома орқали истеъмолчига билдиришнома етказилади.</p> <p>Бунда қоида тариқасида истеъмолчига SMS-хабарнома юбориш орқали унга кўмир етказиб берилди деб қабул қилинади.</p> <p>Истеъмолчилар томонидан қабул қилиб олинган кўмир Порталдаги шахсий кабинет орқали тасдиқланиши ёки ҳақиқатда етказилган кўмир миқдорлари ва SMS-хабарномада келтирилган миқдорлар орасида тафовут келиб чиқадиган ҳолатларда, ушбу ҳолат юзасидан Портал орқали эътироз билдирилиши мумкин.</p>	белгиланган муддатларда

**Республика ҳудудлари бўйича аҳоли ва бюджет ташкилотларига
кўмир маҳсулотларини етказиб бериш учун масъуллар рўйхати**

Т/р	Ҳудудлар	Масъуллар		
		“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборларига қадар	кўмир маҳсулотларини сақлаш, сифати ва сўнгги истеъмолчига ортиб юбориш учун	сўнгги истеъмолчига етказиб бериш учун
	Республика бўйича	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	“Ўзбеккўмир” АЖ, “Кўмир таъминот” МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	“Кўнғирот” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали раҳбари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси
2.	Андижон вилояти	“Кўқон” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Андижон вилояти филиали раҳбари	Андижон вилояти ҳокими
3.	Бухоро вилояти	“Бухоро” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Бухоро вилояти филиали раҳбари	Бухоро вилояти ҳокими
4.	Жиззах вилояти	“Тошкент” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиали раҳбари	Жиззах вилояти ҳокими
5.	Қашқадарё вилояти	“Қарши” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали раҳбари	Қашқадарё вилояти ҳокими
6.	Навоий вилояти	“Бухоро” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Навоий вилояти филиали раҳбари	Навоий вилояти ҳокими
7.	Наманган вилояти	“Кўқон” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Наманган вилояти филиали раҳбари	Наманган вилояти ҳокими

Т/р	Худудлар	Масъуллар		
		“Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборларига қадар	кўмир маҳсулотларини сақлаш, сифати ва сўнгги истеъмолчига ортиб юбориш учун	сўнгги истеъмолчига етказиб бериш учун
8.	Самарқанд вилояти	“Бухоро” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Самарқанд вилояти филиали раҳбари	Самарқанд вилояти ҳокими
9.	Сурхондарё вилояти	“Термиз” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали раҳбари	Сурхондарё вилояти ҳокими
10.	Сирдарё вилояти	“Тошкент” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Сирдарё вилояти филиали раҳбари	Сирдарё вилояти ҳокими
11.	Тошкент вилояти	“Тошкент” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Тошкент вилояти филиали раҳбари	Тошкент вилояти ҳокими
12.	Фарғона вилояти	“Кўқон” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Фарғона вилояти филиали раҳбари	Фарғона вилояти ҳокими
13.	Хоразм вилояти	“Кўнғирот” ҳудудий темир йўл узели раҳбари	“Кўмир таъминот” МЧЖ Хоразм вилояти филиали раҳбари	Хоразм вилояти ҳокими

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 29 ” сентябрдаги 551 -сон қарорига
4-илова

**Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини
етказиб бериш ишларини мувофиқлаштириш бўйича
ишчи гуруҳ таркиби**

- Б.Ф. Исламов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
маслаҳатчиси, *Ишчи гуруҳ раҳбари*
- Ш.Х. Ходжаев – энергетика вазири ўринбосари, *Ишчи гуруҳ
раҳбарининг ўринбосари*
- С.М. Холхўжаев – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари
- У.У. Эгамбердиев – “Ўзэнергоинспекция” бошлиғи
- Б.Б. Эшмуратов – “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси
- В.В. Кузнецов – “Ўзбеккўмир” АЖ бош директори
- Х.Н. Хасилов – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси в.б.
- С. Умаров – “Кўмир таъминот” МЧЖ директори
- А.Р. Жуманазаров – Вазирлар Маҳкамаси департамент бошлиғи, *Ишчи
гуруҳи котиби*

Изоҳ: *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу
лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган
шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 29 ” сентябрдаги 551 -сон қарорига
5-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 964-сон қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Идоралараро тариф комиссияси тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

2-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

“кўмирнинг улгуржи ва чакана нархлари”;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 29 ” сентябрдаги 551 -сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2015 йил 2 июлдаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 53-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2016 йил 30 декабрдаги 422-сон қарорига 6-илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги 638-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 177-модда) 1-илованинг 79-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 24 январдаги 52-сон қарорига илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 45-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2020 йил 14 декабрдаги 777-сон қарорига 1-илованинг 13-банди.

